
ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Данғара тумани ҳокимлигида "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ, "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖ ва "Марказий банк" вакиллари туманда фаолият юритаётган тадбиркорлар билан учрашди

Очиқ мулоқот давомида кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, банк ва микромолиялаштириш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида қабул қилинган қарор ва фармонларнинг мазмун моҳияти кенг тушунтирилиб ўтилди.

Очиқ мулоқотда туманда фаолият юритаётган тадбиркорлар, тадбиркорлик қилиш истагидаги ёшлар ва маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари томонидан берилган саволларга вакиллар ҳамда банк мутахассислари томонидан жавоб бериб ўтилди.

2024-10-07 17:06:56